

ПИРИМКУЛ ҚОДИРОВ РОМАНЛАРИНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

С. ОЛТИБОЕВА*

Дунёда инсондан буюк ва қудратли куч йўқ, бироқ у меҳнат қилиш, яратиш, қурашиш қобилияти ва имкониятларидан маҳрум бўлса, ғоятда ожиз, нотаъво, ҳатто ўлик зотга айланади.

Шубҳасизки, бундай бўлишини ҳеч ким хоҳламайди. Ҳатто ёшини яшаб, ошини ошаганлар ҳам ҳаётдан кўз юмаётганларида уларнинг қанчалар қийналишини тасаввур қила оламиз. Инсон учун ҳаётдан азиз нарса йўқ. Бинобарин, ҳаёт қанчалик гўзал бўлса, одам одамларча яшашга, меҳнат қилишга интилади. Ўз истеъдодини тўла намоён эта олади.

Ҳамма гап мана шу истеъдоддир. Унда ижодкорнинг ёзиш-яратиш, яшаш-қурашиш сирлари-ю сехри муҳасаммалашган.

Истеъдод ўзи нодир ва қамғиб бўлгани учун у кимга насиб қилса, ўшани ўзи хоҳлаган йўналишда бир ажойиб янгилик яратишга ундайди. Ҳар бир етук, барқамол асарнинг туғилиши ва қозоғга туширилиши, ана шу қамғиб истеъдод эгасининг омилқорлиги билан боғлиқ. Ҳар бир ижодкор ўқувчи қалбини тўлқинлантириб, онгу тафаккурини бойитишга интилади. Бу интилиш юксак муваффақиятлар билан қўнланганда ўқувчи ҳам, ижодкор ҳам наф қўради.

Пиримкул Қодировнинг қайси бир асарини ўқиманг, унинг яратиш, кашф этиш туйғусига йўғрилганлиги сезилиб туради. Аслида мана шу туйғу ёзувчини тинч қўймайди, излаб интилишга даъват этади, ҳар бир асарнинг туб негизини мустаҳкамлашга мажбур қилади. Энг муҳими, истеъдод қалбидан отилиб чиқадиган ўша туйғулар дарёнинг қучли тўлкинидай ижодкорнинг бутун вужудини қамраб олган чоғида салмоқли самаралар келтиради.

Салоҳиддин Мамажонов айтганидек, «услуб – адабий асардаги образли-экспрессив деталларнинг эстетик бирлиги, бадий тасвир воситаларининг қўлланишида намоён бўладиган ёзувчининг ўзига хослиги, ўзлиги»¹. Пиримкул Қодиров ўз қаҳрамони руҳиятини очиб берар экан, ўзига хослик билан ижод тажрибасига таяниб иш қўради.

Худди шу ўзига хослиги билан Пиримкул Қодировнинг «Уч илдиз»даги қаҳрамони Гавҳарнинг тили, яна бир асари «Она лочин видоси»даги Гавҳар шодбегимнинг нутқидан тубдан фарқ қилади.

Француз табиатшуноси Бюфан Жорж-Луи-Леклернинг айтишича: «услуб – инсон демақдир».

Демак, услуб ёзувчининг ўз даври воқеа – ҳодисаларига фаол муносабати маҳсули бўлиб, ижодкорнинг такрорланмаслиги, бошқа ёзувчилардан фарқини кўрсатувчи омилдир. Ёзувчининг индивидуал услубини аниқлаш ва тушуниш учун унинг икки асарини ёки икки йўналишдаги асарларини бир-

бирига қиёслаш жараёнида ҳар иккала асар матн-идан муштарак жиҳатлар ҳам, фарқли хусусиятлар ҳам яққол намоён бўлади.

Асарлардаги муштарак белгилар ёзувчининг ягона ижодий қаҳрамонларни бир-биридан ажратиб турадиган хислатлар унинг ўзига хос услуб соҳиби эканлигидан дарак беради.

Масалан, «Уч илдиз»даги Гавҳар замон тили билан асар қиёфасини очиб беради:

«– Нега бўлмаса руҳинг тушган?

Тушган эмас. Ўзим шу... проғул қилиб гап эшитдим».

«...Отангиз қанақа одам экани маълум, шунга қарамай ҳамкурсларингиз ишонч билдиришиб группорг қилиб сайлабди. Сиз бу ишонччи оқламайсиз, отангизга ўхшаб ҳайдалишни истайсизми?» деганларини айтиб беради»².

Энди тарихий роман бўлган «Она лочин видоси»даги Гавҳаршодбегимнинг тилига эътибор қилайлик:

«–Ё Аллоҳу таоло! Муқаддас рамазон қунида рўза тутиб қилган илтижоларимизни ижобат айлагансен! Илоё Шохруҳ Мирзо билан Улугбек давридаги тинчлик ва бунёдкорлик, фаровонлик яна қайтиб келсин, алолатни тиклаб, илму маърифатни юксалтириш Алишербек билан унинг дўсти Ҳусайн Бойқарога насиб этсин! Ўшал масъуд қуларга мен етиб боролмасам, илоҳим, бу мушфик оналар етиб борсинлар! Омин!

Ундай бўлса мен сандикни очай! – деди Гавҳаршодбегим.

Ҳиротда ҳозир сизлардан яқинроқ кадрдоним қолмади. Йиққан бисотларимни нариги дунёга олиб кетармидим? Абу Саид олтин улавоҳирларга жуда ўч эмиш. Эрта индин унинг талончилари бу ерга келиб, бор бисотимни мусодара қилишлари ҳеч гап эмас. Ҳозир Боғи Сафедни ўраб олган пойлоқчилар факат мени эмас, бу қасрдаги бойликларни ҳам қўриқлаб турган бўлсалар керак. Қашқирларга талат-гандан қўра, сизларга берганим афзал эмасми? Феруза бегим, сизнинг қаримат утарафайн эканлигингиз қўриқчилар бошлиғи Амир Шерҳожига қўплан маълум, сизга улар дахл қилмаслар»³.

Ёзувчининг тарихий асарларида «Қора кўзлар», «Уч илдиз» романларидан фарқли ўлароқ қадимги замоннинг сўзлари, яъни архаик сўзлар кўп учрайди. Шу билан бирга бу асарларда муаллиф энди қаҳрамонларни ўз ҳолича қўйиб қўя олмайди, қадимги манбаларда келтирилган фактларга таяниб иш қўради.

* Олтибоева С. – Мирзо Улугбек номидаги ЎЗМУ ўзбек филологияси факультетининг аспиранти.

Яна бир жихати, архаик сўзлардан фойдаланиш асносида ёзувчи замон ўқувчисига, китобхонига тушунарли бўлишни ҳам таъминлаб беради. Агар муаллиф тўлақонли Алишер Навоий даври тили билан асар ёзганида китобхонларга бунчалик тушунарли бўлмаган бўларди. Пиримқул Қодиров ўша давр руҳини очиш учун архаик сўзлардан усталик билан фойдаланган.

Романда Гавҳаршодбегим руҳияти чуқур очилган. Асарда ёзувчи халқ ривоятларидан фойдаланган. Масалан, Гавҳаршодбегим Улугбекка ёзган мактубида ўз невараси Абдуллатифдан канчалик зулм кўрганлигини қайғули бир ривоят билан эслайди:

«Тогда мен каби бир она лочин ўтган экан. Унинг уяси яқинида заҳарли илонлар яшар экан. Улар хавф солганда лочин илонларни думидан чангаллаб осмонга олиб чиқар экану, қоя тошлар устига ташлаб юборар экан. Қолган илонлар тоғ камарларига беркиниб, лочиндан қасд олиш йўлини ўйлашибди. Она лочин ҳар йили пана жойдаги уясига тухум қўйиб, жўжа очар экан. Илонлар ҳам тухумдан бола очади-ку, лочин узокқа ов қилгани кетганда илонлар секин ўрмалаб келиб, унинг тухумларини ейишибди-ю, ўрнига илонларнинг тухумларидан қўйиб кетишибди. Бундан беҳабар она лочин қўйган тухумларига вужудининг ҳароратини бериб, уларни бир неча кун босиб ётибди. Вакти соати етиб, тухумлар тешилибди, ичидан нимадир чиқа бошлабдилар. Она лочин қараса, тухумлардан жўжалар ўрнига илонбаччалар ўрмалаб чиқибди. Бундан дахшатга тушган она лочин чинқираб уясидан учибди. Илонларга ем бўлган авлоди билан видолашиб, фарёд чекканда, тоғлар ларзага келибди. Мен ҳам меҳримни бериб, невараларимнинг ёмонликларини кўриб, ўша лочиндек фарёд чекиб, бу фоний дунё билан видолашгим келур».⁴

Бу ривоят воқеалар ривожини энг кульминацион нуқтасига чиқаради. Гавҳаршодбегимнинг невараларидан кўрган жабру-ситамлари ушбу ривоят орқали китобхонни беихтиёр ларзага солади.

Услуб бетақдорлигини вужудга келтирувчи биринчи омил ижодкор шахсиятидаги хусусиятларнинг ўхшаши кам, кўп қиррали, бой тажриба бўлса-ю, воқеаларни ўз шахсий идрокни, йўли бўйича акс эттира билмаса, бунда энди ўзига ҳослик йўқолган бўлади. Албатта, услуб йўқ ерда ҳеч қанака санъат ҳам йўқ. Худди шу ўзига ҳослик, бошқаларга ўхшамаганлик ижодкорда мужассам.

А.П.Чехов ҳам «Башарти ёзувчида «Слог» (яъни услуб – Р.) йўқ экан, ундан ҳеч қачон ёзувчи чиқмайди»⁵ деган эди.

Демак, адабий асар яратилиши янги-янги бадиий тасвир усулларини кашф этиб бориш ёки эски усуллардан оригинал тарзда фойдалана билиш учун ҳам ёзувчининг шахсий услуби, яъни ўзига ҳос бой ҳаётий тажрибаси бўлиши лозим экан. Масалан, унинг «Юлдузли тунлар» романида кўпсўзлик, яъни бир сўзнинг қайта-қайта ишлатилиши учрайди:

«... Ичкаридан ола қопда иссиқ нон кўтариб чиқар экан: «Балки бу аёлларнинг орасида Робия ҳам бордир?– деб ўйланди.

Ёки Робияни кўрган-билганлар учраб қолар? Нахотки уларнинг орасида Робияни кўрган – билган биронта одам бўлмаса?...»⁶

Ушбу парчада Робия исми уч бора қайта ишлатилган. Биринчи бор Робия дейилгандан сўнг, иккинчи гапда уни ёки кизни деб мурожаат этилса мақсадга мувофиқ бўларди.

«Юлдузли тунлар»дан анча кейин, ёзувчининг ҳаётий тажрибаси бойиганида ёзилган «Она лочин видоси» романида сўзлар анча сайкаланган, деярли ҳар бир сўз имтихондан ўтгандек ўз ўрнида, тақрорланмас тарзда ишлатилган:

«- Ҳа, йўллар нотинч, оналарни фақир кўриклаб бормокчимен. Яна Марвда кадрдон мактабдошим Хусайн Бойкарони тўй билан табриклаш ниятидаман.

Хусайн Байқаро қилични кўп чопган довурак баҳодир деб эшитдим.»

Айни вақтда ул зот таъби назмлари баланд шоирдирлар, - деди Алишербек. – Хусайний таҳаллуси билан битган ажойиб шеърлари бор.

Лекин шеърини эшитмаган эканмен, - деди Гавҳаршодбегим.

Алишербек дўстининг энг яхши шеърларидан ёд билурлар-деди Ферузабегим.

Хусайн Байқаро боҳодирона бир журъат билан ажалнинг юзига тик бориб ғазал битганлар. Ҳазрат бегим, мен сиз учун ўша ғазалдан бир матлаъни айтиб берай:

Эй, ажал, осуда қил, хижрон билосидин мени

Бир йўла қутқар улуснинг моҳаросидин мени»⁷.

Айтилаётган гаплар китобхонни янада ишонтириши учун Хусайн Бойкарони байтидан мисол келтирилган.

Юқоридаги икки роман ҳам тарихий романдир. Энди ёзувчининг ҳозирги замон руҳи билан ёзилган асарларидаги ўзига ҳос фарқни кўриб чиқайлик. Унинг ҳар бир асари ўзига ҳослиги билан ажралиб туради. Унинг асардан-асарга ўтган сари услуби ўзгариб борган. Масалан, «Уч илдиз» урбанистик роман. Унда шаҳар сўзлари кўп учрайди:

«-Лекция ихтиёрий қилинса, фақат кизикарли лекциялар қолади, ўқитувчиларнинг ҳам фақат яхшилари хилланади дейишади. Лекин бу узилиб қолган куруқ гап. Бундай дейдиганлар биз социализм даврида яшаётганимизни унутиб қўйишади ҳам коммунизмга чиқмаганимизни ҳисобга олишмайди...»

«- Шошманг, сиз нима демокчисиз ўзи? Ўқиш студент учун энг кизикарли нарса бўлсин, энг биринчи эҳтиёжга айлансин дейсизми? Лекин ўқиш ўзи нима? Меҳнатнинг бир тури. Меҳнат эса фақат коммунизмда энг биринчи эҳтиёжга айланади. Шунинг учун ўқиш ихтиёрий қилинсин деган гап студентлар дарҳол коммунизмга чиқарилсин деган гапдай қулғили!»⁸

Ушбу парчада лекция, коммунизм, социализм, студент каби ўша вақтда қишлоқ учун ёт бўлган сўзлар ишлатилган.

Талабалар ҳаётини очиб бериш учун неки сўзлар

керак бўлса, муаллиф барчасидан фойдаланишга ҳаракат қилган.

“Қора кўзлар” романида эса кишлоқ мухити як-кол сезилиб туради:

“...Қўзичоклар бошларини хуржун”дан чиқариб жим ётишарди, улар типирчилаб шикастланмаслиги учун йигит шундай қилганини ўзлари ҳам энди билгандай элиқиб қолишган эди...

... унинг оёғи йўл бўйидаги такасоқолга тегиб кетди. Тиник ҳаворанг барглари орасида тўпланиб қолган оппоқ ёмғир суви ялтираб, тиркираб тўкилади...

...Бояги юки устига иккита қўзичокни ҳам ортиб олган машина тоғ этагидаги эллик-олтмиш ҳовлилик Ойкўл кишлоғига кириб борди.

Узоқдан қараганда силлиқ туюладиган тоғларнинг ғадир-будир тошлари, қорамтир арчалари бу ердан хийла аниқ кўриниб туради...”

Худди шу парчадан кишлоқ ҳаётини ўз кўзинг билан кўргандек бўласан. Тоғ бағри ҳаёти, чўпонларга

хос сўзлар жойида ишлатилган. Айниқса, автор нуткидан кўра қаҳрамонлар нуткида бу яккол кўринади.

Тарихий воқеаларни қаламга олишни севган адиб Пиримқул Қодиров асардан-асарга ўтиб борар экан, қалами чархланиб бораверган. Кейинги асарлари олдингиларига қараганда бир мунча мукаммал бўлиб бораверган. Китобхон учун уларнинг барчаси ўқишли, қизик.

Дарҳақиқат, сийқаси чиққан гаплар билан ҳеч қачон, ҳеч қимда завқ уйғотиш мумкин эмас. Китобхон ижодкордан ҳар доим мураккаб образли фикрлардан иборат асарлар яратиш беришини кутади.

Ёзувчининг ижодий меҳнати қамолга етказишга қаратилган меҳнатдир.

Ижодий жараён ёзувчининг ички дунёсида оловлана бошлаган пайтидан то бу алананинг ҳаёт-бахш нурини ёрқин образлар орқали китобхонлар қалбига етказиб берганига қадар муттасил ўзгаришда бўлади.

АДАБИЁТЛАР

1. С. Мамажонов. «Услуб жиловлари».
2. Қодиров Пиримқул. Она лочин видоси. Тарихий роман. -Т.: Шарк 2001.-69-40 бет.
3. Чехов А.П. Литературный быт и творчество. М.Л.; 1928, с. 389.

РЕЗЮМЕ

Роман писателя П.Кадырова “Три корня”, “Чёрные глаза”, “Алмазный пояс”, “Звёздные ночи”, “Сокоиний крик” стали значительными явлениями в современной узбекской литературе. В них ярко проявляются стилевые особенности автора.

SUMMARY

The article is devoted to the style features of the novels written by Pirmqul Kodirov.